Тошкент оқшоми

Иҳтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 234 (8. 176) ◆ 1992 йил 27 ноябрь, жума ◆ Нархи 3 сўм.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз билан Тунис Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Тунис Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очишга қарор қилган жаҳондаги 61-мамлакат бўлди.

● Бухоро вилояти фаоллари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳririдаги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилдилар.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа ва Тўрткўл районлари ўртасида 34 километрлик суғориш канали қурилиши бошланди. 1994 йилнинг ўрталарида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган бу канал яна минглаб гектар қўриқ ерларни суғориш имконини беради.

● Самарқанд вилоятида 19 декабргача Нодирабегим ойлиги эълон қилинган. Бу ойлик давомида корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ўтказилмоқда.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Тожикистон Олий Кенгаши сессияси якунланди. Кеча Олий Кенгаш Тожикистондаги фуқаролар уруши барча қатнашчиларини жиноий ва бошқа турдаги жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қонун қабул қилди.

● Россия Президенти ҳузуридаги давлат котиби лавозими бекор қилинди. Бу лавозимни эгаллаб турган Геннадий Бурбулис Россия Президенти ҳузуридаги маслаҳатчилар гўруҳининг раҳбари этиб тайинланди.

● Кеча Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ички ишлар маҳкамалари вакилларининг кенгаши ниҳоясига етди. Икки кун давом этган бу кенгашда ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг раҳбарлари жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш масалаларини муҳокама этдилар.

● 1 декабрдан бошлаб Россияда темир йўллардан ташқари барча транспорт воситалари учун кира ҳақи эркин бўлади. Жумладан, эндиликда Москвадан Хабаровскка самолётда учиш учун 25 минг, Еқутистонга эса 30 минг сўм тўлашга тўғри келади.

ХОРИЖДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси Латвия, Литва ва Эстония томонидан тақдим этилган «Болтиқ давлатлари ҳудудидан хорижий қуролли кучларни тўла-тўкис олиб чиқиб кетиш» резолюциясини маъқуллади. Бунда ушбу давлатлардан Россия қўшинларини олиб чиқиб кетиш кўзда тутиляпти.

● Болгария парламентига бу мамлакат социалистик (собиқ коммунистик) партиясини таъқиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси киритилди. Унда бу партия барча ташкилотларини тарқатиб юбориш, мулкини эса давлат тасарруфига олиш кўзда тутилади. Қонун лойиҳасида Болгария социалистик партияси миллий ва элатлараро можароларни авж олдиришда айбланади.

● Афғонистоннинг муваққат Президенти Бурҳониддин Раббоний Россиядан бу мамлакатнинг Кобулдаги элчихонаси фаолиятини давом эттиришни илтимос қилди. Маълумки, Россиянинг Кобулдаги элчихонаси ходимлари Афғонистонда мужоҳидлар ўртасида қуролли тўқнашувлар кучайиб кетганидан сўнг кўчириб кетилган эди.

● Литва Демократик (собиқ коммунистик) меҳнат партиясининг етакчиси Альгирдас Бразаускас мамлакат парламенти — сеймининг ранси этиб сайланди. У бу ерда Президент сайловлари ўтказилгунга қадар Литва Президенти ҳам ҳисобланади.

● Лаосда вафот этган Кейсон Фонвихан ўрнига 68 ёшли Кхамтай Сипхандон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг ранси этиб сайланди. У мамлакат бош вазири ҳамдир. Лаос Олий Халқ Кенгашининг ранси Нухак Пхумсаван эса мамлакат Президенти этиб сайланди.

ДОНО ДЎСТ АХТАРАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЭРОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш чоғида. (ЎзА).

Мустақил Узбекистонимизнинг халқаро миқёсда кун сайин нуфузи ортиб, жаҳон мамлакатлари билан борди-келдилар, турли соҳадаги ҳамкорликлар силсиласида янги-янги саҳифалар очилмоқда.

Куни кеча — ноябрнинг 24—25-саналарида — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф мақомида Эрон Ислом Жумҳуриятида бўлиб қайтди. Сафарда у кишига Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиблари, Республика ташқи ишлар вазири, вилоят ва шаҳарларнинг ҳокимлари, хорижий иқтисодий алоқа, банк, савдо идораларининг раҳбарлари, дин арбоблари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларидан бир гуруҳи ҳамроҳлик қилди.

Атиги икки кун давом этган мазкур сафарнинг барча тафсилотлари тўғрисида сўзламоқнинг иложи йўқ, албатта. Ҳар дақиқаси ватан манфаатларига йўналтирилган, иншооллоҳ, Ўзбекистон билан Эрон дўстлиги, ҳамкорлигининг умидбахш муқаддимаси бўлгуси бу кунлар хусусида ҳали кўп гапирилар, кўп ёзилар.

Қадимий ва афсонавий Теҳрон заминига хайрли тонг билан кириб борган мамлакатимиз раҳбарини Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари пойтахт ҳудудидаги «Меҳробод» халқаро тайёрагоҳида самимий эҳтиром билан кутиб олди. Олий мартабали меҳмонга муносиб рисоладаги жами илтифот бажо этилди. Бу — икки давлат раҳбарининг Ашгабат учрашувидан кейинги дийдорлашуви бўлиб, мазкур ташриф узоқ кутилгани сезилиб турарди.

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонидаги хос меҳмонхонада икки раҳбар ўртасида кечган яккамаякка суҳбатдан сўнг расмий мажлислар толорида кенгайтирилган тартибда музокаралар бошланди. Унда Эрон томонидан хорижий ишлар вазири, маданият ва ислом таълимоти вазири, савдо вазири, нақлиёт ва юк ташиш вазири, марказий банк раиси, шунингдек бошқа ҳукумат аъзолари иштирок этди. Зикр этилган соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш шартлари хусусида сўз борди.

Ўша куни тушдан кейин Теҳроннинг тоғ этагида ястанган сафоли Саадобод боғи ҳудудидаги Президентимизга ажратилган махсус қароргоҳда иккита учрашув бўлди.

Эрон банк бошқарувчилари ҳамда молия, кредит ходимлари ва Эрон савдо уйи раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар билан бўлган бу сермазмун суҳбатларда ўзаро иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари, банк тизимига доир тажрибалар, дунё банклари билан, жумладан, халқаро валюта жамғармаси билан муносабат, мазкур ташкилот тавсияларининг мусбат ва манфий жиҳатлари хусусида фикр алмашилди. Барча давлатларга тақдим этилган моҳиятан бир хил бу тавсияларни муайян шароитга мослаб, босқичма-босқич амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, иқтисодиётда четдан сармоя олиб келишнинг аҳамияти, бу ишнинг қонуний кафолатлари, жаҳон бозорига мол чиқариш, миллий пул муаммоси, хусусийлаштириш каби масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Эрон савдо уйи раҳбарлари ва ишбилармонлар билан суҳбатда Президент Ислом Каримов уларни Ўзбекистонга даъват этиб, «биз тижоратчи савдо аҳлини халқлар ўртасида муносабат ўрнатувчи тоифа деб биламиз. Демак, мана шу учрашувда қатнашаётган биродарларни бўлажак элчиларимиз десак бўлади», дея лутф қилди. Сўнг уларга республикамизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида мухтасар маълумот бериб, ўзаро катта-катта савдо кўргазмаларини уюштириш айни муддао бўлажагини таъкидлади. «Албатта, сизларнинг Америка, Япония каби мамлакатлар билан савдо алоқаларингиз яхши, у ёқлардан келадиган молнинг сифати зўр. Лекин Ўзбекистонда шундай моллар борки, унақасини бошқа жойдан тополмайсиз».

Бу суҳбатлар мўлжалдагидан узоқ давом этди. Негаки, ўртага қўйилган масалалар иқтисодий ҳаётнинг туб моҳиятига боғлиқ эди. Меҳмон давлат раҳбарининг одатдаги сипо гурунгдан воз кечиб, дадилдангал айтган фикрларига, муҳокама этилаётган молия, иқтисодиётга доир масалаларни миридан-сиригача таҳлил қила олишига шу соҳанинг пириман деб юрган мезбонлар тан берган бўлсалар керак.

Ўша оқшом иккала давлат бошлиғи яна учрашиб, суҳбатлашдилар. Саадобод боғининг махсус толорида олий мартабали меҳмон — Ислом Каримов жаноби олийлари шарафига зиёфат берилди.

Эртаси куни Ислом Каримов эҳтиром юзасидан Эрон Ислом Жумҳуриятининг раҳнамоси, Оятулло Саййид Али Хоманеи қароргоҳига ташриф этди ва улар ўртасида суҳбат бўлди.

Шундан сўнг Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди. Бир талай ҳужжат имзоланди. Ўзаро муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги баённома, савдо-сотиқ ва иқтисодиёт, алоқа, телекоммуникация ва ҳаво транспорти, маданият ва сайёҳлик борасидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Чошгоҳ чоғи Ўзбекистон Президенти бошлиқ республика вакиллар гуруҳи Эрон маданиятининг қадимий ўчоқларидан ҳисобланган Исфаҳон шаҳрига қараб йўл олди. Олийшаън меҳмонни «Меҳробод» тайёрагоҳида Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва бошқа ҳукумат раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Исфаҳонда илиқ пешвоз олинган меҳмонлар Ўзбекистон Президенти шарафига берилган зиёфатдан сўнг шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишдилар. Шоҳ Аббос даврида қурилган Чиҳелстун сингари улкан, ҳашаматли саройларни, имом Ҳумайний майдонидаги масжиду мадрасаларни, кўзни қамаштиргучи мисгарлик, заргарлик, кандакорлик дўконларини томоша қилдилар.

350 километрга чўзилган, Исфаҳоннинг марказидан ўтадиган Зояндеруд дарёси устидаги кўприклардан бирида жойлашган антиқа чойхонада бўлган мухтасар суҳбат меҳмонлар хотирасидан сира унутилмас.

... Юртимиз мустақил бўлганидан буён ўтган бир йилдан ортиқроқ муддат мобайнида Президентимиз бошлиқ давлат вакиллар гуруҳлари дунёнинг ўндан кўпроқ мамлакатида бўлди, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари боғланди. Эрон Ислом Жумҳуриятига ташриф — шу сирага мансуб навбатдаги, ўн иккинчи сафар. Уни қисқа муддатли, аммо унумли, ўзаро самарадор бўлди, дейиш мумкин.

Доно — дўст ахтаради. Дўст ахтарган — топгуси.

(ЎзА мухбири).

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) билан касалланишнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисидаги қарорни имзолади. Унда Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг шу масалага бағишланган қарори ижроси юзасидан бу ўта хавфли касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланган.

** Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида*

ОИТС БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги 191 давлатда ОИТС касаллиги қайд қилинганлиги инобатга олиниб ва бу касалликнинг Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрига келаётган чет эл фуқароларидан уларнинг ОИТС вирусини ташувчи ва касал эмасликларини тасдиқловчи ҳужжат-сертификат талаб қилиниши кўзда тутилади.

ОИТС касаллигига қарши курашнинг шаҳар тармоқлараро дастури тасдиқланди. Бу дастурда Тошкент шаҳар даволаш муассасаларида ОИТС ва ОИТС билан боғлиқ бўлган юқумли касалликларни ташхис қилиш бўйича учта ихтисослаштирилган лаборатория очиш мўлжалланган.

Тошкент шаҳар марказига ОИТС касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, аҳолини лаборатория орқали назорат қилиб туриш учун шаҳар бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилади.

Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, ижтимоий таъминот бошқармасига орттирилган иммунитет танқислик вируси юққан ёки ОИТС касаллигига чалинган 16 ёшгача бўлган болаларни парваришлаш муносабати билан ота-онанинг меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик бўйича нафақа тўлаш учун уларнинг бирининг узлуксиз иш стажини сақлаб қолиш.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига:

— иммунитет танқислик вируси юққан ёки ОИТС касаллигига чалинган беморларни даволаш учун дори-дармонларни бепул бериш тартибини, шунингдек уларнинг республика ҳудудидаги даволаш жойларига бепул бориб-келишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартибини белгилаш;

— аҳолини, биринчи навбатда иммунитет танқислик вируси хавфи юқори бўлган, шунингдек бу вирус билан зарарланганларни ҳозирги замон даражасида текширувдан ўтказиш, касалликнинг олдини олиш ва даволаш;

— донорлик қони ва қон ўрнини босувчи моддаларни қуйиш жараёнида, ниналар, дорининалар ва бошқа асбоб-анжомларни стерилизация қилишда тўлиқ хавфсизликни таъминлаш;

— Тошкент шаҳридан ОИТС касаллиги бўйича эпидемиологик хавфли давлатларга чиқиб кетиб, қайтиб келаётган фуқароларни ҳисобга олиш ва уларни қайтиб келганларидан сўнг лаборатория усули билан текшириб кўриш топширилди.

Тошкент шаҳар ОИТС марказига чет эл фуқароларини текшириш учун пуллик хизматни уюштиришга рухсат берилди.

Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмасига сартарошхоналарда, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида кўп марта ишлатиладиган асбоблар билан соқолни олишни таъқиқлаш топширилди.

Халқ таълими бош бошқармасига иммунитет танқислик вируси билан зарарланмоқ ёки ОИТС касаллигига чалинган, касалхоналарда ва уй шароитида даволанаётган болалар ва ўсмирларни ўрта умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника таълими махсус ўқув дастурлари бўйича ўқишларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига:

— Тошкент шаҳридан эпидемиологик хавфли давлатларга бир ойдан узоқ муддатга бориб келувчиларни ҳисобга олиш, бу рўйхатларни Тошкент шаҳар ОИТС олдини олиш ва унга қарши курашиш марказига бериш топширилди. Бу шахслар тиббий кўрикдан ўтишга қаршилик қилган тақдирда уларни мажбурий кўрикдан ўтказиш таъминланиши керак.

Фоҳишабозлик, гиёҳвандлик ва дайдиликка қарши кураш ҳам кучайтирилиши зарур.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Узбекистон фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларни чет элдан қайтиб келганларидан сўнг текшириш мақсадида уларга чет элга бориш учун рухсат беришдан олдин Тошкент шаҳар ОИТС олдини олиш ва унга қарши курашиш марказида рўйхатга олинганликлари ҳақидаги ҳужжат талаб қилинсин.

Узбекистон Республикаси Давлат божхоналар комитети Тошкент шаҳар бошқармасига Тошкент шаҳрига келаётган чет эл фуқароларидан уларнинг ОИТСга текширилганликлари ҳақидаги маълумот талаб қилиш, саломатлиги тўғрисида сертификати йўқ шахслар тайёрагоҳда улар маблағлари ҳисобидан текширилишини таъминлаш топширилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, Тошкент шаҳри учун телевидение ва радио эшиттиришлар таҳририятларига ОИТС муаммоларига бағишланган рубрикалар очиш, эшиттиришлар тайёрлаш тавсия этилди.

** «02» хабар беради*

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШ ЙЎЛИДА

Шаҳримизда кенг кўламда ўтказилаётган «Комплекс» деб аталувчи операция пайтида ўтган сутка мобайнида 71 та жиноят содир бўлганлиги рўйхатга олинди. Шулардан 57 таси очилди, уни содир этганлардан 57 киши қўлга олинди.

Илгари судланган 711 кишининг нима билан машғул бўлаётганлиги ва ўзини қандай тутаётганлиги текширилди, турли хил қонунбузарлик қилган 126 ўсмир ушланди, 44 дайди ушлаб келинди. Аниқланган бузуқхоналардан қонунга номатлуб бўлган 169 шахс ушланди. Тиббий ҳушёрхонага 116 киши келтирилди. Ўт очадиган 11 та қурол тортиб олинди. Автотранспортлардан 4185 таси текширувдан ўтказилди. 17 ҳайдовчининг кайф ҳолатида эканлиги аниқланди.

⊙ 25 ноябрь куни кечки пайт Усмон Носир кўчасида уч номаълум кимса чет тиллар институти талабасини куч ишлатиш билан қўрқитиб ундан уч хилдаги устки кийим-бошларни тортиб олган. Кўрилган тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар туфайли ана шу босқинчиликни қилган шахслар аниқланди, булар ҳеч қаерда ишламайдиган ёш йигит ва коммунал қурилиш техникумининг талабаси бўлиб чиқди. Босқинчилик қилишда қатнашган учинчи жиноятчи ушлаш бўйича ҳам чоралар кўрилди.

⊙ Ана шу куни кундузи Чилонзор даҳасида номаълум кимса тўппонча ўқталиб 2-Тошкент монтаж бошқармаси электрчисидан пулларини, курткасини тортиб олиб кейин яшринишга ўринган. Чилонзор район ички ишлар бошқармасининг участка инспекторлари Муҳамедов, Собировларнинг зудлик билан қилган ҳаракатлари ва кўрган чоралари туфайли ана шу босқинчиликни қилган шахс аниқланди. У ҳеч қаерда ишламайдиган 32 ёшли фуқаро экан. Бу кимса қилган ўз жиноятига иқрор бўлди.

⊙ 25 ноябрь кундуз куни номаълум кимса дарвозадан ошиб тушиб ва кирасеришдаги эшикнинг қулфини бузиб биринчи Байналмилал боши берк кўчасидаги нафақахўр аёлнинг уйига кириб магнитофонини ва 5 минг сўмни ўғирлаган. Лекин яширинишга ўринган пайтида ашёвий далиллар билан Чилонзор район ички ишлар бошқармасининг милиция ходимлари томонидан қўлга олинган.

⊙ 25 ноябрь кечқурун номаълум кимса Чилонзор даҳасининг 11-мавзесидан ВАЗ—21011 маркали нафақахўрга қарашли автомашинани олиб қочган. «Иссиғида» кўрилган чора-тадбирлар туфайли Акмал Икромов район ички ишлар бўлими милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ана шу машинани олиб қочган кимса ушланди. У иш жойининг тайини бўлмаган 19 ёшдаги ўсмир экан.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳи.

ТАРБИЯ ҳақида, одоб ҳақида ҳамманинг ўз қараши бўлади. Биров тарбиянинг бош воситаси — калтак деб ўйласа, яна биров насиҳат деб уқтиради. Учинчи биров эса ибрат деб қатъий ўз фикрини изҳор этади. Қайси бири тўғри экан!? Мабодо бирон нарсани ема ёки кўрма деб тақиқланса ўшанга қизиқиш ўн чандон (ё фалак, бандаларинг бунчалар иштиёқманд!) ортади, оқибатда яширинча ема деганни ейди, кўрма деганни кўради. Бунга ажойиб мисол бор: «16 ёшга тўлмаганлар қўйилмайди» деб кинотеатр эшигига эълон осиб қўйинг, шу кинога фақат норасида болалар тушади. Уларнинг мазмун билан нима иши бор, кўрса бўлди...

Чамаси бизда ибрат етишмаса керак. Чунки ўзимиз ҳам кимга эргашишни билмай яшаганмиз-да.

Бир вақтлар Тошкентдаги кинотеатрларни тит-пит қилиб юборардик. Янги бадиий фильм қаерда бўлса бориб кўрардик. Мунозара қилардик, баҳс қилардик.

Ҳала-ҳали эсимда. Ленинград ва ҳозирги Камол Ота Турк кўчалари кесишган жойда Дзержинский номли маданият уйи бўларди. Шу ерда Миср кино усталари ишлаган «Уйимиздаги эркак» бадиий фильмини кўрган эдик. Янглишмасам тўрт кун қўйилганди ўшанда. Тўрт марта кўрдик. Ролларни кимлар ижро этгани эсимда йўқ ҳозир. Лекин бош қаҳрамонлар Иброҳим Ҳамдий, Новалларни қаттиқ севиб қолгандик. Айниқса Новани. Ўзиям ниҳоятда чиройли қиз ўйнаган эди-да! Ҳатто бир оғайним (у ҳозир таниқли адиб) Новага мактуб ҳам ёзганди. «Новал, азизим, — деб бошланарди ўша хат. — Сен мени тентак деб ўйларсан балки. Лекин нима қилай яхши кўриб қолдим». Уч-тўртта ўсмир ўтирволиб, Иброҳим Ҳамдийга қандай қилиб ёрдам берамиз деб бош ҳам қотирганмиз. «Уйимиздаги эркак» Миср инқилоби ҳақида эди.

Мардликка, жасоратга ундовчи «Кобра» операцияси», «Қизилқумлар», «Ҳалоскорлик», «Козара», «Соат ярим кечада тўхтаб қолди», «Константин Заслонов», «Матонатли кишилар» — қайси бирини айтишни билмайман. Ўзимизнинг «Ўзбекфильм» ишлаган «Алишер Навоий», «Ер фарзанди», «Маҳаллада дув-дув гап», «Мафтунингман...» Нимасини айтасиз, кўриб тўймасдингиз.

** Биринчи саҳифадан сўз*

ҲАҚИҚАТНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

Шулар ҳақида бировга айтгудек бўлсангиз «Ҳа, энди, замонасига ярашур эди-да» деб қўя қолишади. Бугун Тошкент кинотеатрларида, хусусан, «Билимлар» уйида, Ўзбекистон зобитлари уйида намойиш этилаётган фильмларни кўриб «Замонамиз шунчалар бузилиб кетганми?» деб ёқа ушлайди киши. Ҳаммаг гап шундаки «Дўзахдан тирилиб чиққан», «Нинза — терминатор», «Америкада бир сафар», «Америкача чорак соат яшаш», «Бони ва қарзлар», «Гу-га» каби фильмларнинг қандайлигини хотирлаб аёл киши эмас, ҳатто эркак ҳам хижолат тортади. Муҳаббат изҳори, нозик муносабатлар юзлаб кишиларнинг нигоҳи остида уларнинг онгига фаҳш уруғларини сепиб, бажарилмайдику. Ёшларимизнинг кўпчилигининг бешарм, беҳаё қилиқлар қилишлари, кўчаларда худди отасидан мерос қолган чорбоғда юргандек ўпишиб юришлари мана шу ҳаёсиз фильмларнинг меваси эмасмикин?

Ҳозир шуларни ёзаяпману, қўрқиб турибман: «Киночилар бош кўтариши мумкин: пул топишимиз керак. Фильмларга одамлар тушиши керак. Шундай қилмасак, кинотеатрлар бўм-бўш бўлиб қолади». Бундай ўйлаб қаралса тўғрига ўхшайди бу эътирозлар. Лекин журналист ҳам, ёзувчи ҳам, артист ҳам, ҳаттоки фаррош ҳам пул топиши керак. Яшаш зарур. Пул топиш керак. Лекин маданиятга, шундоқ ҳам саводсиз бўлиб улгурган халқнинг келажаги — болалар, ўсмирларнинг шарм-ҳаёси, маънавий оламига даҳл қилмасдан топиш керак.

Ҳозир алпдек-алпдек йигитлар кўча-кўйда, сақичу сигарет сотиб ўтирибди. Уларнинг кўпчилиги муқобил хизматга пул ўтказиб, ҳатто ҳарбий хизматдан ҳам бош тортишмоқда экан. Енгил топилган пул, енгил ҳаёт, енгил муҳаббат... оқибатида нима борлигини биласизми?

Демак бизда ибрат йўқ экан! Тўғри-да, ёшлар нимадан ибрат олади? Беҳаёликданми? Бир пайтлар барчани ватанпарварликка, мардликка ундаган «Чапаев», «Рустам ва Суҳроб», «Георгий Саакадзе», «Богдан Хмельницкий» каби фильмлар қаёқда ҳозир? Миллий, мустақил республикамизнинг таянчи бўлган йигитларнинг юрагига чироқ ёқадиган, маънан бақувват фильмлар ишланадими яқин орада? Наҳотки киночиларимиз миллат ғуруруни кўтаришни пул топиш учун ишланадиган бешармликдан паст деб англашса?

Бир пайтлари «Она Ҳиндистон», «Даъват», «Амрапали» каби ўнлаб бадиий фильмларни йиғлаб томоша қилардик. Ҳозир ҳам Ҳиндистон кинолари ўзларининг асл ниятлари — эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига шак келтирмай фильм ишламоқдалар... Ғарчи улар тижоратбоп кинолар ишлаётган бўлишса ҳам!

Шуларни ёзаяпману, аминман, Тошкентнинг кўпгина кинотеатрларида «Майсазор ўроқчиси», «Аллигатор», «Менинг онам алвасти» сингари қип-қизил даҳшат фильмлари намойиш этилаётганидан ўкиняпман.

Узбекистон ойнаи жаҳонида янги бир удум пайдо бўлди. Уни табриклаш керак. Ҳар ҳафтада биз ҳинд кино фильмларини мириқиб томоша қиляпмиз. Агар иложи бўлса «Даъват», «Она Ҳиндистон», «Ганга ва Жамна» сингари чуқур лиризм, инсонга муҳаббат билан суғорилган фильмлар ҳам кўрсатилса қани эди. Ҳар ҳолда эски бир пайтлар таржима қилинган фильмларга қараганда тарбиявий аҳамияти жуда юқори бўлар эди.

Ушбу шингил шахсий фикрларим мажмуасида ойнаи жаҳонга таъна тоши отмоқчи эмасман. Ўрни ҳам, шарт ҳам эмас. Лекин иккинчи дастур бўйича берилаётган Россия телевидениесини сал бўлса-да «тийиб» қўйиш мумкин бўлар? Ярим тунда бериладиган фильмларни кўрганлар айтсин! У ерда намойиш этилаётган фильмлар кимга, қанақа таъсир кўрсатишга мўлжалланган? Биродари азизлар, шундай фильмлар кўрсатиладики, келинимиз ёки қизимиз ёки ўзимиз уятдан лавлагимиз чиқиб кетган пайтлар деярли ҳар оқшом такрорланади. Бир марта «жасорат» кўрсатиб «Кичкина Вера»нинг намойиш этилишига йўл қўймадикку! Нега энди ойнаи жаҳонни ҳам сал «тизгин»лаш мумкин эмас! Ахир бир хонадонда битта-иккита телевизор бор. Оиланинг ҳамма аъзосини алоҳида телевизор билан таъминлай олмаймизку.

Ойнаи жаҳонни фильмларсиз тасаввур этиш мумкин эмас! Шундай экан ҳаёти ҳам, эътиқоди ҳам, талқини ҳам бизга яқин Озарбайжон, Эрон, Покистон, Миср кино усталари яратган фильмлар намойиш этилса бўлмайдими? Ёки Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон фильмлари телеэкрандан мустаҳкам ўрин олса, биров бир нарса дейдими?

Бир киночи дўстим билан шу хусусда қаттиқ баҳслашиб қолдим. У менга ўзиникини маъқуллади:

— Ахир ҳаётда сиз шармсизлик деяётган нарсалар бўладику? Уни экранга олиб чиқсак, одамларга кўрсатсак айби борми? Бу сурреализм яъни қатъий ҳақиқат дейилади. Ҳақиқатнинг меваси аччиқ бўлади, дўстим.

Гап қайси меванинг ширинлиги ёки аччиқлиги хусусида бормаяпти. Гап бугунги «ширин» фильмларнинг эртага заҳри қотилга айланиши, бутун бир авлоднинг тақдири барбод бўлиши ҳақида боряпти. Ана ўшанда ҳақиқатнинг меваси чинакам аччиқ бўлади. Ундан кўра ҳозир йўл бошида эканлигимизда «эсимиз борида этакни ёпгани»миз маъқул кўринади. Ғишт қолипдан батамом кўчгач эса, ҳар қанча узун бўлса ҳам этак фойда бермайди.

Бугунги аччиқ гап, эртанги аччиқ мевадан кўра маъқулроқ. Дилимдагини очиқ айтишга шу сабаб бўлди, азизлар.

Толиб САЪДУЛЛО.

** Маданий меросимиздан*

САНДИҚ, ҚУТИ ВА ҚУТИЧАЛАР

ХАЛҚ усталари қадим замонлардан бери сандиқ, қути ва қутичалар ясаб келишади. Бу рўзғорбоп ҳунармандлик буюмлари фақат бизнинг юртимизда эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам машҳурдир. Бир жойдан бошқа жойга кўчаётганда уларни туя, отарава, эшакларга ортиш қулай. Шунинг учун ҳам халқ санъатининг бу турлари барчага манзур бўлиб қолган.

Сандиқ қадимий ҳунармандлик санъати бўлса-да, музейларда унинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмаларга эга эмасмиз. Кейинги XIX—XX асрларга оид сандиқ, қути ва қутичалар учрамоқда, холос.

Илгари ҳар бир хонадонда албатта қўша-қўша сандиқлар бўлган. Бу буюм асрлар давомида синовлардан ўтиб, халқ меҳрини қозонган. Сандиклар қаттиқ, яхши қуритилган ёнғоқ, қайрағоч, ўрик, терак, тут, нок каби дарахтлардан ясалади. Устига, олди томонига юпқа тунука қопланиб, чақичли, рангли нақшлар билан безатилади. Нақшларида турфа гуллар, қушлар, учбурчак, айланалар, шунингдек бошқа нарсаларнинг тасвири акс этиши мумкин.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазинасидаги халқ безакли санъати буюмларининг сараси ана шундай сандиқларда сақланмоқда. Халқ маданиятининг ноёб дурдоналарини қадимдан шу кунгача сандиқлар етказиб келаяпти, деб айтиш мумкин. Халқ усталаридан — наққош ва ёғоч ўймакорлари Мақсуд Қосимов, Еқубжон Раупов, Олимжон Қосимжонов, Тоир Тўхтахўжаев, Сулаймон Хўжаев, Ҳайдар Нажмиддинов, Қодирхон Ҳайдаров ва бошқалар сандиқ, қути ва қутичалар ижод қилишган. Кекса авлодга мансуб устазодалар ноёб ҳунарларини ёшларга ўргатишаётгани қувончлидир.

Санъат музейининг халқ санъати бўлими залларидан бирида тошкентлик ёғоч ўймакор устаси Ортиқ Файзуллаев ва унинг шогирдлари ижодидан намуналар ўрин олган. Уста шогирдларидан бири З. Исамуҳамедов яратган ўймакорлик услубидаги сандиқда қадимги нафис санъатимиз ўз аксини топган.

Сандиқ яратишда рус усталарининг изланишлари диққатга сазовордир. Улар нақш ишлашда қаттиқ қарағай дарахти, фил суяклари ва нодир бўёқлардан фойдаланишади.

Санъат музейининг рус санъати бўлими залларидан бирида сандиқ, қути ва қутичалар билан бир қаторда XIX—XX аср бошларида яшаб ижод қилган мусаввир Б. Кустадиевнинг «Сандиқсоз» асари анчадан бери эътиборимизни ўзига жалб этиб келади. Хонада рус амалий санъати намуналари бирин-кетин кўзга ташланади. Турли хил рус сандиқлари, улардаги миллий руҳни ифодаловчи нақшлар кишида ҳавас уйғотади. Кексайиб қолган сандиқсоз битган сандиқлари олдида ўтириб, санъатга оид қалин китобни диққат билан ўқияпти. Унинг яқинида эса шогирдларидан бири тамадди қиларкан, хаёли устада. Мусаввир бу асари орқали халқ санъати усталарининг энг яхши анъаналарини ифодалашга ҳаракат қилган. «Сандиқсоз» картинаси мавзусининг ҳозиржавоблиги билан бизнинг сандиқсозларимизга ҳам хосдир. Ҳар бир уста замонавий буюмлар яратишга уринавермай, ўз халқининг асрлар давомида машаққат билан эришган маданиятини доим эъзозласа, миллий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

Халқ усталари сандиқни кашф этарканлар, албатта қути, қутичалар ясашни ҳам унутмадилар. Урф-одатларимиздан бири — қиз узатилганда сандиқ билан бирга одатда қути, қутичаларга ҳам буюртма берилади. Бу буюмларнинг нақшлари айнан сандиққа ишлатилганига мос тушиши талаб этилган. Қутилар сандиқ ёнига қўйилиб, сандиққа кўрпалар йиғилса, қути устига кўрпача, ёстиқлар тахланади. Қутичалар эса, махсус токчаларга қўйилган. Уларда заргарлик буюмлари, турли хил тақинчоқлар сақланган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

СУРАТДА: 50 йилдан бери сандиқчилик қилиб келаётган уста А. Абдураҳмонов.

Даврон Аҳмад сурати.

** Назм чечакллари*

ПАХТАКОРГА

Оппоқ пахта — юрагинг сенинг,
Оппоқ хирмон — тилагинг сенинг
Ҳар чаноғи беш панжанг бўлса,
Ғўза — чайир билагинг сенинг.
Мезондайин оппоқ толаси,
Иродангдан унинг зуваласи,
Табиатнинг эрка боласи —
Ҳаётда чин тирагинг сенинг.
Оппоқ бўлса сўнгсиз далалар,
Лабларингдан учиб яллалар,
Ҳорғин танинг шамол аллалар
Ер искамас курагинг сенинг.
Олам сенга мангу ҳайратда,
Сен — меҳнатда, жадал шиддатда,
Ўзбекистон — алп юрт албатта
Танлаганинг, керагинг сенинг.
Оппоқ пахта — оппоқ келажак,
Оппоқ хирмон — буюк бўлажак
Ҳур Ватаним суюб деяжак:
Ҳеч толмасин билагинг сенинг!
Оппоқ ҳирмон — тилагинг сенинг.

Унсиз хотиралар

Бунда фақат сукут сўзлайди.
Бунда сукут солади сурон.
Хотиралар унсиз бўзлайди,
Тиз букади бунда тирик жон
Кимнинг руҳи юрибди кезиб,
Нотинч айлаб Бухенвальд тоғин.
Ҳаёт кимга этдийкин насиб,
Қонга тўлди ўрмон қучоғи.
Оврупонинг сокин осмонин.
Тўлдирганди қора тутунга.
Маҳбусларнинг оҳу фиғони
Етган эди олис юртимга
Бугун ажал лагери жимжит,
Тиканли сим, вужудда титроқ.
«Огоҳ бўлинг», деб бериб ўгит,
Жаранглайди ҳар тонг қўнғироқ.
Бунда фақат сукут сўзлайди.
Бунда сукут солади сурон.
Хотиралар унсиз бўзлайди.
Тиз букади бунда тирик жон.

Мурод РАЖАБ.

Қарши.

** Ҳориждаги ўзбеклар*

Алп АРСЛОН:

«ЭНДИ ОРТГА ЧЕКИНИШ ЙЎҚ»

⊙ Танишинг: Алп Арслон Ориф ўғли. 26 ёшда Туркия фуқароси. Ота-боболари асли ўзбекистонлик. Ўзи Ҳиндистонда туғилган. Истанбул техник университетининг меъморлик бўлимини тамомлаган. Ҳозирги кунда аспирантурада. сиртдан ўқиш билан бир қаторда катта лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари у отасига тижорат ишларида яқиндан қўмаклашиб туради. У юртимизда ўтказган дамларини ҳаётининг энг бахтли кунлари қаторига қўшади.

⊙

— Алп Арслон, бу сизнинг ўзбек диёрига бўлган биринчи (ўйлаймизки, сўнггиси эмас) ташрифингиз экан. Дастлабки таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Аввало, ўта меҳмондўстлик билан бизни кутиб олган барча юртдошларимга чуқур миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Сафаримиз давомида турли жойларни кўрдим, тенгдошларим ила ҳамсуҳбат бўлдим. Ва яна бир бор ўзбек халқидек бағри кенг, ғурури юксак халқ борлигига имон келтирдим. Бунда, албатта, болалигимиздан ҳар биримизнинг онгимизга сингдириб келинган тўғрилик, ҳалоллик ҳақидаги ҳикматларнинг, ҳар қандай салбий ҳаракатларнинг нафақат ота-она, балки бутун бошли халқ шаънига доғ туширажаги ҳақидаги насиҳатларнинг ижобий таъсири бўлса керак. Лекин мен бир қанча ҳурматли хонадонлар меҳмони ҳам бўлдимки, миллатимнинг дўсти сифатида кўнглимдан кечган фикрларни билдириб ўтишни лозим топдим. Айниқса, давраларда айрим ёшларнинг ўзларини номақбул тутишлари мени кўп ранжитди. Албатта, бу сўзларим ҳурматли юртдошларимнинг дилини оғритмайди, деган ўйдаман, чунки ёлғиз истагим ҳар бир ўзбек фарзанди ота-боболари изидан бориб энг улуғ сифатлари билан дунёга танилса.

— Меъмор сифатида юртимиз жамоли ҳақида нима дея оласиз?

— Аждодларим қони тўкилган қадрдон она юртим — Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Фарғона водийсида бўлдим. Бу ерлардаги тарихий обидалар ўзининг такрорланмаслиги билан кишини ҳайратга солади. Лекин бу масалада ҳам ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Бу ердаги катта йўлларда қоронғуда юрган йўловчи адашиб қолиши ҳеч гап эмас (айниқса, меҳмонлар). Ана шу узун йўлларнинг ўртасидан оқ чизиқ ўтказилиб берилса, чироқ бўлмаган тақдирда ҳам оқ чизиқнинг ўзи йўл бошлайди. Шаҳарларда нима қаерда жойлашганлиги ҳақида кўрсаткичлар ҳам деярли йўқ.

Мен айтган жой кўрсаткичлари рангли бўлса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳамма ҳам ўқишни билмайдику. Ёшу қари, болалар, меҳмонлар, умуман, ҳамма учун тушунарли бўлиши керак.

Мен бир қанча истироҳат боғларида бўлдим. Ўзбекистоннинг миллий боғини кўрдим. Бу борада ҳам ўз таклифимни айтмоқчиман. Боғ барпо этувчилар энг асосий эътиборни унинг табиий бўлишига қаратишлари лозим. Бу боғлар шундай бунёд бўлиши керакки, уни инсон яратганлиги сезилмасин. Бу иш ижодкордан топқирлик, юксак дид талаб қилади. Кўпқаватли уйлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Уйларнинг айвонидаги панжараларнинг ясалиши ҳам такрорланмас бўлса мақсадга мувофиқ бўларди. Тошкент метроси менда жуда катта таассурот қолдирди. Метронинг Ўзбекистонга келишини мен улуғ неъмат деб ҳисоблайман.

— Мустақил Ўзбекистоннинг келажагини яратадиган ёш тенгдошларингизга қандай тилакларингиз бор?

— Азизларим, аввало илм изланг. Бойлик тўплашга ружу қўйманг. Ҳеч қачон ортга чекинманг. Ота-оналарга итоатда бўлинг. Жаҳон тилларини ўрганиб дунёни кезинг. Жаҳондаги илғор тажрибаларни Ўзбекистонга тадбиқ қилинг. Ана шундагина Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, иқтисодиёти мустаҳкам бўлади.

— Ташаккур. Иш ва ўқишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.

Нонбаҳон АЗИЗОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: (ўнгда) ватандошимиз Алп Арслон.

Алимурод Мамадаминов сурати.

** Суратли ахборот*

Тўрт районда ягона

ЧИЛОНЗОР райони ҳудудида янги қурилган 10-болалар касалхонасининг очилиши нафақат район аҳолиси, балки унга қўшни бўлган Сергели, Яккасарой ҳамда Акмал Икромов районлари аҳолиси саломатлигини муҳофаза этишда қулайлик бўлди. Чунки ушбу тиббий муассасадаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган реанимация ҳамда рентген бўлимлари юқорида санаб ўтилган тўрт район миқёсида ягонадир. Бундан ташқари, касалхонадаги физиотерапия, ташхис қўйиш, бир ёшгача бўлган ҳамда бир ёшдан катта болалар бўлимлари ҳам пойтахтимиздаги касалхоналар бўлимлари учун намуна бўла олади.

Касалхона бош шифокори Нигора Шермуҳамедова янги қурилган бино қурилиши ҳамда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун жами 10 миллион сўм маблағ ажратилганини айтиб, бунинг учун район ҳокимлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда қурилиш ишларининг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган Тошкент метро қурилиши ташкилотига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Янги касалхонанинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев ҳамда район ҳокимининг биринчи муовини Мунира Обидова иштирок этиб, касалхона жамоасига оқ йўл тилашди.

Мажид РАҲИМОВ.

СУРАТЛАРДА: касалхонанинг биокимё лабораториялари.

Анатолий Кудряшов суратлари.

** Коинот сирлари*

МАРСДА ҲАЁТ БОРМИ?

АЭРОНАВТИКА ва космик фазони тадқиқ этувчи миллий бошқарманинг (НАСА) хабар қилишича, Американинг «Марс обсерервер» космик кемаси ўтган 17 йил мобайнида Марсга учирилган илк аппарат бўлди. Учишга тайёргарлик жараёнида американликлар билан бирга Россия, Франция, Германиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Қурилишига 511 миллион доллар сарфланган ушбу космик кемада 7 телекамера ва бошқа бир қанча ускуналар мавжуд бўлиб, унинг Марсга бориб қўниши 1993 йилнинг август ойига тўғри келмоқда. У сайёрага қадалиш билан қўнмайди, балки ундан 378 километр юқорида муаллақ тўхтаб, топография, магнит майдонлари, минерал заҳираларни текшириш, иқлим шароитини ўрганиш ишларини олиб боради. Тадқиқот 687 ер куни ёки 1 Марс йили мобайнида давом этади.

Марс орбитасига илк бор 1971 йили «Маринер—9» космик кемаси билан забт этилган эди. 1975 йили учирилган Американинг «Викинг» сериясидаги икки космик кема 1976 йилда Марсга муваффақиятли қўнди. Улар сайёра тупроғини текшириб у ерда ҳеч қандай биологик фаоллик йўқлигини аниқлашди.

«Маринер» ҳамда «Викинг» космик кемаларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, қачонлардир Марс тупроғида сув бўлган. Олинган суратларнинг гувоҳлик беришича бир пайтлар ҳатто сайёранинг айрим жойларида сув тошқини ҳам рўй берган. Бунга Шимолий қутбдаги музликлар ҳам дадил бўла олади. Мутахассисларнинг фикрича ана шу музликлар ичида қачонлардир ҳаёт кечирган тирик жонзотларнинг қолдиқлари сақланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бугунги кунда Марсда ҳаво ҳарорати — 23—122 даража Цельсий атрофидадир. Вақти-вақти билан соатига 160 километр тезликда эсувчи чанг бўрони кўтарилади.

«Марс обсервер» космик кемаси Марсда инфрақизил нурлари таралишини аниқлади. Бу эса ундаги вулқон ва тоғларнинг баландлигини аниқлашда ёрдам беради. Магнитометр қурилмаси эса «қизил сайёра»нинг ядроси оз бўлса-да суюқликдан иборат эканлигидан далолат беради. Марс магнит майдони ҳанузгача ўрганилмаган ягона сайёрадир.

Марказий матбуот материаллари асосида Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

** Машҳур кишилар ҳаётидан*

КОЛУМБНИНГ АЙЁРЛИГИ

ХРИСТОФОР Колумбнинг кемаси Атлантика океани тўлқинлари орасида сузиб борарди. Ҳаммаёқ сув. Атрофда бирорта орол кўринмайди. Фақат компас милигина ишончли йўл бошловчи. У керакли томонни кўрсатиб турибди.

1492 йил саёҳатнинг 19 сентябрида кема рулидаги ишончли стрелка ўз йўналишини ўзгартирганлигини кўрадилар. Оғиш ғарбга эди. Кема турган жойини қуёшга мўлжаллаб аниқлашга келишдилар. Ҳисоблаб чиқишса Колумбнинг кема карвони 4 кун давомида белгиланган курсдан деярли 11 даражага четлашган экан. Демак, улар бошқа томонга сузмоқдалар. Қаёққа? У томонга ер яқинми? Балки уларни очликдан ўлиш кутаётгандир? Денгизчилар капитандан кемани орқага буришни талаб қилдилар. Шу кеча Колумб ухлай олмади. «Наҳотки бой мамлакатни ихтиро қилиш орзусидан қайтишга тўғри келади?» деб ўйларди. Аслоҳ У «зарарли ростликдан фойдали ёлғон афзал» қабилида иш тутди.

Тонг қоронғусида Колумб компас бор жойга билдирмай борди ва уни керакли градусга буриб қўйди. Стрелка аввалги ҳолига қайтди. Эрталаб компасга қараган денгизчилар тинчланиб қолдилар. Улар орасида юрган адмирал «Ўтган кунларда темир қозиқ юлдузи осмонда ўз жойидан силжиган эди. Шу сабаб магнит стрелкаси ҳам қўзғалган», деб тушунтирарди атрофдагиларга. Сузишни давом эттирдилар. Экспедиция янги дунёга етиб келганда, Колумб ҳам ажабланиб қолди. Бу қандай жумбоқ? Худди ҳеч нарса бўлмагандек компасни тўғрилаш ортиқча эди.

Шундай қилиб Ер шарининг турли жойларида компас ҳар хил кўрсатишлигини илк бор аниқладилар.

ИВАН ПОДДУБНИЙНИНГ ҚАДРДОНИ

«МУШАКЛАРИ ўйнаган, ажойиб паҳлавон экан...» Атоқли рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой ёзувчи Александр Куприн билан илк бор учрашганда унга ана шундай таъриф берган эди. Ўша кезлари, 1902 йилда Куприн спортни нафақат тарғибот қилар, балки ўзи ҳам оғир атлетика, мерганлик, велосипед ва от спорти билан шуғулланарди. «Геркулес» журналида ёзувчининг спорт ҳақида ҳикоя қилувчи «Унутилган ўйин», «Бокс» каби кўплаб очеркларини эълон қилинган.

Ҳаммасидан кўра Куприн цирк курашини чин дилдан севарди. У машҳур рус полвонлари Заикин, Лебедев, Поддубнийлар билан дўст эди. 80-йилларнинг бошида Киевда яшаётган пайтда Куприн Украинада биринчи енгил атлетика жамиятини тузишга фаол иштирок этади. Шу ерда ажойиб паҳлавон Иван Поддубний билан танишади. Тез орада улар қадрдон бўлиб кетадилар.

Ёзувчи Сергей Уточкин билан эса 1904 йилда Одессада учрашади. Шундан бери бу қувноқ, спортни жон-дилидан севувчи инсон, велосипедчи ва учувчи билан дўстлиги узоқ вақт давом этди. 1909 йил 13 сентябрда «Одесса янгиликлари» газетаси муҳарририяти ҳаво шарида учишни ташкил этади. Газетанинг икки ходими ва Уточкин билан бирга Россияга анча танилиб қолган ёзувчи Куприн ҳам осмонга кўтарилади.

Собир БОЗОРБОЕВ тайёрлади.

ОЛМОСЛАРГА ОИД ТОПИЛМАЛАР

⊙ Дунёда энг катта олмос 1905 йилда Жанубий Африкада топилган бўлиб, «Куллинан» номи билан юритилади. У 3025,75 карат оғирликка эга.

⊙ Олмоснинг катталари жуда кам учрайди. Еқутистонда топилган энг катта олмос — «Мария» 105,9 карат (карат—0,2 граммга тенг), «Маршальский» — 64,5 карат, «Валентина Терешкова»—51,6 карат оғирликка эга.

⊙ Олмоснинг энг машҳур конлари ҳозирги кунда Ҳиндистонда (Панжоб), Африка, Жанубий Австралия, Бразилия, Урал ва Еқутистонда жойлашгандир.

⊙ Навоий, Урей (Пензе уезди) деб номланган метеоритлар таркибида 88 карат олмос борлигини дунёда биринчи бўлиб 1888 йили М. Ерофеев ва П. Лачиновлар кашф этиб, Ломоносов номидаги мукофотни олишга сазовор бўлганлар.

⊙ Қадимги Россияда олмос конлари йўқ эди. Фақат 1829 йили Павел Попов деган бир бола Уралда дастлабки олмосни топиб олди. Минералог Г. Шмидт эса бу тошчиндан ҳам олмос эканлигини аниқлади.

⊙ Шуниси қизиқки, дунё бўйича энг қимматбаҳо заргарлик олмосларининг 2—6 фоизини Зоир, 50—55 фоизини Жанубий Африка Республикаси беради.

⊙ Олмоснинг саноат аҳамиятига эга бўлган конларини қазиб олиш бутун ер юзида 1870 йилларга келиб бошланди. Биринчи бўлиб олмоснинг йирик конлари Жанубий Африкадаги қадимги вулқонлар отилиб чиққан Кимберли шаҳри яқинида топилган кимберлит тоғ жинслари ичида учратилган.

⊙ Яна бир кон — Летсенг-ла-Теран ҳисобланиб, жойлашган ери денгиз сатҳидан 3466 метр юқоридадир. У дунёда энг баландда жойлашган олмосли кимберлит трубкаси ҳисобланади.

⊙ 1867 йили Жанубий Африкада жаҳонда энг йирик олмос кони топилди. Бу ер хазина изловчилар эътиборини ўзига тортди.

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

** Маданият хабари*

«НАҚШ»НИНГ ТУҲФАСИ

СОБИР Раҳимов районидаги 3-маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Нақш» студияси томонидан кўргазма ташкил этилди. Шуни таъкидлаш зарурки, Нажмиддин Рихсиев раҳбарлик қилаётган мазкур студиянинг очилганига 10 йил тўлади. Шу сабабли кўргазма ўзига яраша ҳисобот ҳамдир.

Кўргазма залига ташриф буюраётган ота-оналар ва бошқа санъат мухлислари жамоа томонидан тайёрланган қадимий нусхадаги курсилар, хонтахталар, китоб ўқиш мосламаларини катта қизиқиш билан томоша қилишяпти. Айниқса Дилшод Убайдуллаев, Бахтиёр Қосимов, Зокир Абдужабборхўжаевлар ишлаган буюмлар сержилолиги билан томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

* Ибратли ҳикоятлар

ОҚСОҚОЛ

МАҲАЛЛАМИЗДА Сайфулло эшон деган отахон бор. Ёшлари ҳам 90 дан ошиб кетган. Лекин ҳали тетик ва бардам юради. Маҳаллада қайси хонадонда қандай маъ-рака бўлмасин, ҳаммасига бош-қош бўлади. Одамларга жуда ҳам фидойи инсон.

Битта ажиб одатлари бор: ҳақ гапни юзингга тик қараб гапиради. Бир маъракада ўтирганлардан бири шундай деб қолди:

— Отахон, энди қандай яшаймиз? Ҳамма нарса қимматлашиб кетяпти. Арзимизни кимга айтсак бўлади?

— Арзингни ўзингга айт, ҳаммасига ўзимиз сабабчи. Нега десанг, ҳалол билан ҳаромни ажратмай қўйдик. Нонларни, ошларни, пишган гўштларни саситиб ахлатхонага ташладик, — деди оқсоқол. — Шунинг учун Аллоҳнинг ўзи бизларга шундай кунларни лозим кўрди. Энди виждонан меҳнат қилиб, гуноҳларимизни кечиришини сўрашимиз керак. Аллоҳнинг карами кенг. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади дейдилар.

«Ҳақ гапни топиб айтдингиз», деб қўллаб-қувватлашди одамлар ҳам. Шундай отахонлар бор экан, ҳаётимиз тинч ва фаровон бўлишига имон келтирдим.

ҚАМТАРЛИК

ТЎЙЧИ бойваччa реанимациядан умумий хонага ўтказилган кун эди. Карим ака бир банка қаймоқ билан иккита иссиқ нон кўтариб палатага кириб келди. Тўйчи бойваччa ҳайрон бўлиб қараб қолди. Карим ака институтда сабоқ берарди. Ҳамма қўшнилар келса ҳам, Карим ака келади деб хаёлига ҳам келтирмаган эди, бойваччa.

— Ҳа, укажон, соғлиқлар яхшими? — омонлашди у, — ҳар куни келин боладан соғлиғингизни сўраб турдик. Бугун имкон топиб йўқлаб келдик.

— Раҳмат, овора бўлиб нима қилдингиз! — дедию ранги ўзгариб кетди. Чунки давраларда кўп марта «Уқитувчи зоти паст бўлади» деганини эслаган эди.

— Қўйсангиз-чи, овораси бор эканми? Болаларнинг бахтига соғайиб кетинг, — деди Карим ака.

Тўйчи бойваччa Карим акани қаттиқ қучоқлаб бағрига босди. Хонадаги касаллар қўшниларни туғишган ака-ука бўлишса керак, деб ўйлашарди.

ҚИСМАТ

ТЕШАБОЙ оёқ кийим фабрикасида ишлар эди. Ҳаёт оқимига қараб, иш фаолиятини ўзгартирди. Кичкина оёқ кийими ширкати очиб, иш бошлади. Ишлари кунданкунга юришиб кетди. Лекин ўзи ҳам ўзгара бошлади. Секин-аста Тешабойда кибр-ҳаво сезила бошлади. Пишиқ ғиштдан уйлар қурди. Янги машина сотиб олди. Тўйларда эса арақ эмас, коньяк ичадиган, даста-даста пулларни рақкосалар устидан сочадиган бўлиб қолди. У фақат фойдаси тегадиган одамлар билан алоқа қилар эди. Ўзининг кимлигини эсидан чиқарди. Озгина-озгина отиб машина бошқаришга одатланиб қолди. Шундай кунларнинг бирида Тешабойни бир «Москвич» қуриб ўтиб кетди. Бу Тешабойга қаттиқ ботди, шекилли, «Жигули»нинг газини охиригача босди. Машина гўё қанот чиқариб учиб бораётгандек эди. «Ҳозир сенга етиб оламан, ўзиб ҳам кетаман», — деб ўйларди Тешабой. Шу хаёл билан чорраҳага келганини ҳам, қизил чироқ ёниб турганини ҳам сезмади. Унг тарафдан эса «КаМАЗ» чиқиб қолди...

Тешабойнинг жасадини тўрт соатлардан сўнг аранг темир-терсаклар орасидан тортиб олишди.

Эй яхшилар, Тешабойнинг асли ўзини суриштирсангиз бир оддий ямоқчининг ўғли эди...

ТУЙДА

ДЎСТИМ ўғлини ўйлантирди. Бахт ва висол кечасида мен ҳам қатнашдим. Табрик этувчиларнинг ҳаммаси фақат келин билан куёвга яхши ният изҳор этардилар. Бу ҳолни кўриб ўзимча ўй сураман:

— Ҳой, одамлар, келин-куёвларни дунёга келтирган, тарбиялаган, едирган-кийдирган, ўқитган, шу тўйга етказган ота-оналар бор-ку. Шуларга офарин дейишимиз керак эмасми, дейман. Менга қолса уларни келин-куёвнинг ёнига ўтқазиб қўйган бўлардим. Хизматни эса қариндош-уруғ, ошна-оғайнилар бажарса нур устига нур бўларди!

ФАХР

БЕКАТДА автобус кута бошладик. Концерт бошланишига 20 дақиқа вақт бор. Ҳа деганда машина келавермади. Ўртоқлар диққат бўлиб, дам-бадам соатга қараб қўйишарди.

Шу пайт қўшним Бахтиёр машинасида келиб тўхтади:

— Ассалому алайкум, акалар! Қани машинага чиқинглар.

Ўртоқлар билан дарров машинага ўтириб олдик.

— Қаёққа олиб бориб қўяй? — деб сўради Бахтиёр.

— Халқлар дўстлиги саройига. Концертга кеч қолаётган эдик, — дедим.

Шинавандагина Бахтиёр манзилга етиб боргунча ўртоқлар билан сўрашиб ака-укадек бўлиб кетди.

— Мана етиб келдик. Концерт тугагач, меҳмонларни ўзим келиб олиб кетаман,— деб тайинлади.

— Отасига минг раҳмат. Ана шундай қўшниларинг билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди! — дейишарди Андижон вилоятидан келган курсдош оғайнилар.

Хурсанд бўлганимдан Бахтиёрга раҳмат айтишни ҳам унутибман.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

* Ҳозиржавоб қурама

СУВ ЁНАДИМИ!

ЁНИШИ мумкин. Эркин фтор атмосферасида сув яхши ёнади.

ҚОТГАН КИЙИМЛАР

КРАХМАЛЛАНГАН кийимлар қотиб туради. Бунинг боиси, кийимни иссиқ дазмол билан дазмоллаганда крахмал донаси зўр иссиқлик натижасида декстренга айланади. Кийимда картошкадан пўстлоқ ҳосил бўлади.

СУТ НЕГА АЧИЙДИ!

БУНГА ҳавода юрадиган ачитқи каби майда замбуруғлар сабабчидир. Замбуруғлар сутгэ тушиб, ўз ишини бажаради — сут қандини сут кислотасига айлантиради.

ЎРГИМЧАКЛАР ТУФЛАЙДИМИ!

ТУЯ сингари беозор ўргимчаклар ҳам борки, уларга оналари ёшлигиданоқ туфлашга рухсат этади. Ўзлари ҳам туфлайди. Бу — хонадонларимизда яшайдиган сцитодес деб аталувчи ўргимчакдир.

ҚУШЛАРНИНГ ПАТИ ҚАНЧА!

ЭНГ серпат қуш — оққушдир. Унинг 25 минг дона пати бор. Бунинг бешдан бир қисмигина танасида, қолганлари бошида ва чиройли бўйнида.

ОЛТИНДАН ПИЁЗ ҲИДИ КЕЛАДИМИ!

ҲА. Ундаги бу ҳидни унинг билан бирга учрайдиган ва олтин даракчиси ҳисобланган маргимуш элементи беради. Махсус ўргатилган итлар мана шу ҳид бўйича олтинни қидириб топадилар.

МИНОРАНИНГ БУЙИ УСАДИМИ!

МЕТАЛЛАРДА иссиқликдан кенгайиш коэффициенти юқори бўлади. Шу сабабли пўлатдан қурилган иншоотларнинг бири — Париждаги машҳур Эйфель минорасининг бўйи ёзда қишдагига қараганда 15 сантиметр узун бўлади.

НЕГА ҲИҚИЧОҚ ТУТАДИ!

ОДАТДА бундай ҳодиса диафрагма — кўкрак билан қорин ўртасидаги парданинг вақти-вақти билан қисқариши натижасида келиб чиқади. Овоз ёриғи тез торайиб, ундаги ҳаво зарб билан тортилиши оқибатда «ҳиқ» деган товуш чиқади. Шунинг учун ҳам ҳиқичоқ деб юритилади.

Самад ШОДМОН.

Лобар қизлар қуршовида келинпошша яна ҳам гўзал, малоҳатли кўринади.
Рустам Шарипов сурат-лавҳаси.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

«ФАХРЛИ» УЧИНЧИ УРИН

ШИШАДАН — қадаҳларга қулқиллаб қуйилаётган шаробни кўриб, ҳеч бўлмаса жаҳонда қайси халқ энг кўп ичар экан деб ўйлаб кўрганмисиз? Билмасангиз билиб қўйинг: жаҳондаги энг ишратпараст халқ бу люксембургликлар, сўнгра французлар ва ниҳоят «фахрли» учинчи ўринда австрияликлар туради. Люксембургликлар йилига киши бошига 18 литр, французлар 13,5 литр, австрияликлар 10 литр спиртли ичимликларни истеъмол қилишади.

Австриянинг Штирия Федерал вилоятидаги аҳвол, айниқса, ташвишли. Шу ерлик дўхтур Бернд Цирмнинг айтишича, штирияликлар бутун Австрия бўйича арақ деса ўзини томдан ташлар экан. Ҳар бир штириялик шаробхўр бир йилда 14 литр ўтли сувни шимириб ташлайди. Штирияда шу аҳволга яраша 90000 алкогол бор экан.

Штириялик юрт катталари бу ишга бепарвогина қарашади. Чунки бу ерда болалар ҳам бемалол ичишади-да...

АШАДДИИ КАШАНДАЛАР

ИЧИШ-КУ ҳай майли ўз йўлига, аммо чекиш бобида греклар энг қадимий халққа хос жасорат кўрсатишди. Улар Европа бўйича чекиш бобида пешқадамлик қилишмоқда. Ўтган йили греклар 70 миллион дона сигарета чекишибди. Тамаки маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йилига 6,7 фоизга етиб бормоқда. Овруполик ҳар қандай кашанда ҳам греклар-нинг олдига тушолмайди. Улар икки ярим баравар кўп тутун қайтаришар экан!

САВЛАТ ЭМАС

ШВЕЦИЯДАГИ йирик шаҳарларнинг мэриялари, яъни ҳокимиятлари машиналар сони кескин кўпайиб кетиши оқибатида экологиянинг ёмонлашиб кетаётганидан ташвишга тушмоқдалар. Стокгольмнинг ўзидагина ҳар куни 600000 машина шаҳар кўчаларига чиқади. Машиналар босқинига қарши энг кескин чоралар қўллаш тарафдорлари: «Яқин келажакда машиналарга турар жой топиш мушкул бўлиб қолади, уйлар, одамларнинг ўпкалари эса улар чиқараётган газлардан чиққан тутунлардан жуда «яйраб қолади», деб жар солишмоқда. Улар ҳатто шаҳар марказига кириш ҳуқуқини берувчи қоғозларни, ёқилғи нархини (ўзи шундоқ ҳам қиммат), жарима қийматини кўтаришни ўртага ташламоқдалар.

Бундай усул Осло ва Берген шаҳарларида қўлланган эди. Лекин шаҳар ҳавоси бу билан тозаланиб қолгани йўқ. Шаҳарларнинг ҳокимликлари эса шахсий машина эгаларига куннинг-туннинг исталган соатида марказга кириш ҳуқуқини берадиган патталарни сотишни йўлга қўйишди.

Кўринган турибдики машина савлат эмас экан. Ҳавоси тоза, салқин, чанг-чунгдан ҳоли скандинавияликларки шундай ташвишда экан, бизнинг шароитда яшаётганларнинг сабрига аллоҳ тўзим берсин.

Тоҳир ИУЛДОШЕВ тайёрлаган.

* Бир асар тарихи

«САРБАДОРЛАР»

Умрнинг ўртаси дейишади. Қанча экан у! Неча йил билан ўлчаш керак экан! Майдалашиб ўтирмайлигу инсон умри бир асрга тенг, дейлик. Демак, унинг ярми 50 йил бўлади. Инсон шу эллик йил ичида нималар қила олар экан!

Яқиндагина адибимиз Муҳаммад Алини Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрий унвони билан қутлаган эдик. Куни кеча эса уни эллик ёшлиги билан ёру биродарлари, адабиёт аҳли, ижоди ихлосмандлари муборакбод этдилар. Улар орасида «Оқшом» муштарийлари ҳам талайгина. Демакки, «Оқшом» ҳам ўз адибини самимий қутлади.

Эллик йил атлас ёки кимхоб мато эмаски уни пештахтага ёзиб, қулочлаб ўлчаб кўрсанг. Ижодкор яшаган эллик йилнинг ўлчови зиқ-зиқ меҳнату, эвазига яратилган китоблар.

Муҳаммад Али бу борада юзи ёруғ адибларимиздан. «Фазодаги ҳислар», «Гумбаздаги нур», «Оталар юрти», «Алвон чечаклар», «Сен бир гулсан», «Севсам, севилсам» назмий китоблари, «Боқий дунё» шеърий романи, ҳинд эпоси «Рамаяна», қорақалпоқ халқ эпослари «Шаҳриёр», «Маспошшо»нинг ўзбекчага ўгирилгани ва ниҳоят, ижодкорнинг илк йирик асари ҳисобланмиш «Сарбадорлар» тарихий романи...

Тарихимизда ўрганилмаган, кам ўрганилган саҳифалар қанчадан-қанча! Уларни топиш, варақлаш, ўқиш, халққа қайтариш ўзлигимизни англашдаги энг зарур юмуш ҳисобланади.

Сарбадорлар ҳаракати Туронзамин тарихидаги, таъбир жоиз бўлса, демократия, тенг ҳуқуқлик борасидаги илк бинафшалар эди. Афсуски уни адоват, ҳиёнатнинг аямажиз совуғи қовжиратиб ташлади.



Мўғуллар билан сарбадорлар ҳам тўқнашади. Сарбадорлар қолиб чиқадилар. Қўлёзмаларда мўғулларнинг келиши, сарбадорларнинг бирлашиши, жанг жойи бор, холос. Сўнгра сарбадорлар бошлиғи Абу Бакр Калавий, унинг Наддофлар маҳалласи оқсоқоли эканлиги қайд этилган. Китобларнинг бирида Хўрдак Бухорий ҳақида ёзилса, иккинчисида йўқ. Мавлонозода кўп жойларда қайд этилган, толиби илм-да ул.

— Сарбадорлар асосан қандай мақсад учун курашганлар!

— Аввало сарбадорлар ҳаракати ҳақида бир-икки оғиз сўзласам. Абу Бакр Калавий — бу зот тарихий шахс — отаси билан ҳаж сафарига борди. Сабзаворда отаси тўсатдан вафот этади. У отасини шу ерга дафн этади. Шу куни Шайх Ҳасан Жўрий ваъз ўқийди. Калавий, Ҳасан, Ҳусайн, шоир Ибн Ямин бир хонадонда суҳбат қурадилар. Суҳбат ўсганда беш элчи бостириб киради. Мўғуллар бу ерга ем, ўзларига озуқ талаб қиладилар. Тўртовлон бунга ажиб этадилар. Элчилар май талаб этадилар. Сўнгра улар канизак талаб қиладилар. Уларнинг бошлиғи янги ўйланган Ҳасаннинг келинчаги турган уйга равона бўлади. Ҳасан унинг йўлини тўсади. Аммо паҳлавон келбатли элчибоши уни бир четга отиб юборади ва ичкари киради. Хуллас, Ҳасан шу куни элчининг бошини чопиб ўлдиради. Қолган тўртов элчи ҳам ўлдирилади. Шундан сўнг аҳли қишлоқни йиғадилар: «Қачонгача бу ҳол давом этади!» деб қишлоқ четига дор тикадилар ва саллаларини осадилар. Сўнг «Бу йўлдан қайтиш йўқ, қайтсак бошимиз дорга тортилсин» деб онт ичадилар. Шундай қилиб, бу ҳаракат ҳақсизликка, адолатсизликка қарши кураш тарзида авж олиб кетади. Бу тарихда бор гап.

Сарбадорларнинг ниятлари жуда улуғ бўлган. Афсуски улар ярим йилгина юрт бошида туришган. Кўп ишни бажаролмаган. Лекин улар барчани тенг қилиш, баробар кун кўришни тартиб этганлар. Париж Коммунасидан ҳар ҳолда халқчилроқ бўлган уларнинг ниятлари.

Манбаларда афсуски сарбадорлар қилган ишлар, улар қилган ислоҳлар, ярим йиллик турмушлари ҳақида ҳеч нима қайд этилмаган.

— Романда кўпгина образлар қатнашади: Садр Сулаймон, Қавомиддин қози, Жалойирбек — Абу Муслим, Худобанда ва бошқалар. Улар тарихий образларми!

— Амир Темур, Амир Ҳусайн, Илёсхўжа, Абу Бакр Калавий, Хўрдак Бухорий — Камонмерган, Улжой Туркон оқа, Нодир ибн Яҳё — Мавлонозодалар тарихий шахслар. Қолганлари, маъзур тутинг, муаллиф ижоди.

Садр Сулаймон йиғма бир образ. Жалойирбек, Шерўғлон — Худобанда, Жоннигор — Ширинбека ҳам тарихий, ҳам тўқима. Сабаби қадим қўлёзмаларда ахсикентлик бир ҳоким қиморга бор-будини ютқазиб, хонавайрон бўлгани ёзилган. Лекин номи ёзилмаган. Мен бунда асардан фойдаланишга жазм этдим.

— Романдаги энг гўзал тасвирлар ҳам шулар ҳақида десам ранжимасангиз керак.

— Аслo! Бир сатрим ўқувчи сифатида сизга манзур бўлса — мамнунман.

— Шерўғлоннинг ўз синглиси Ширинбека билан бобилхона — фоҳишахонада учрашиб қолиши тасвири менга негадир Мопассаннинг бир ҳикоясини эслатди...

— Лекин эътибор берган бўлсангиз, Шерўғлон ўз синглисини таниб қолиб, уни бўғиб ўлдиради. У омон қолса ҳам бўларди. Ўртада ҳеч иш бўлмаган ахир! Бунинг устига акасингил. Лекин бунда ўртада шарқона буюк поклик борлигига ишора мавжуд. Чунки бу гуноҳи азимни тилга олишнинг ўзиёқ кишининг этини жунжиктиради.

— Бу айтган манзараларингиз ҳам жуда яхши тасвирланган романда. Айтинг-чи, тун салтанати бор эканми ўтмишда ўзи!

— Тун салтанати бўлган. Қадимда ахийлар уюшмаси бўлган. Уюшма аъзолари бири тиланчилик қилиб, бири ҳаммолик қилиб, бири мардикорлик қилиб топганларини кечкурун бошлиқларига — Шаҳриёрларига келтиришган. У эса ақчани барчага баробар тақсимлаган. Романдаги Ахий Жаббор, Абомуслим, уста Кулол, Ҳасан чиноқ тун салтанати лашкарлари аталади. Бу ҳам ўзига хос тенгликка интилиш эмасми? Умуман, ўша пайтларда ҳар бир касб эгаларининг ҳам ўз уюшмалари бўлган.

— Муҳаммаджон ака, сиз негадир сарбадорлар пахта гулли чопон кийиб юради деб тасвир этгансиз.

— Сарбадорларнинг барчаси бир хил жома кийиб юришгани бу тарихий ҳақиқат. Мен пахта гулли жома кийиб юришади деганимга эътибор беринг: аввало пахта Туронда жуда ардоқли бўлган. Самарқанднинг Вадир деган мавзесида пахта экилган. Ҳатто Эрон шоҳлари ҳам шу ердаги пахтадан тайёрланган кийимга ишқибоз бўлишган. Сўнгра Абу Бакр Калавий Наддофлар—яъни пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли. Сарбадорлар пахта гулли жома кийиб юриши менга ҳар томонлама маъқул туюлди.

— Тарихда бизга ўргатишгани бўйича сарбадорларни Амир Темур ўлимга маҳкум этади. Романда эса амир Ҳусайн уларни Наврўз куни қатл этади...

— Амир Темур соҳибқиронга бу туҳматнинг тақилишини давр тақозоси деб қараш керак, сабабки нимани тавқи лаънат айтган бўлсак, унга юклаб, ёмонлаш расм бўлганди бир пайтда.

Сарбадорлар мўғулларга қарши. Темур соҳибқирон ҳам — гарчи ҳокимиятга эга бўлиш учун Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқага уйланган бўлса ҳам — мўғулларга қарши жанг олиб борган. Маслаги бир икки киши дўст бўлиши керакми? Сарбадорларнинг бошлиқларидан бири Мавлонозода Темурнинг дўсти бўлган. Уни дор остидан зўрга олиб қолади ахир! Агар Темурда шу ният бўлса, яъни сарбадорларни йўқ қилиш қасдида бўлса, Мавлонозодани бу йўлдан аввалроқ қайтарар эди-ку! Йўқ, сарбадорларга «Биз қилолмаган ишни қилишди, мўғулларни енгишди» деб хайрихоҳ бўлган. Амир Ҳусайн эса Темурдан доим хавфсираб юрганини таъкидлаш керак эмасдир. Охир оқибатда сарбадорлар ҳам унинг қўлида дорга тортиладилар.

Билмадим, Темур сарбадорлар билан бўлганда нима қилган бўларди. Ҳарқалай сарбадорларнинг ўлимида Амир Ҳусайндан ўзгасини айблаш нохолислик бўлади.

— Сиз китобнинг давомини ёзаётган экансизми!

— Ҳа, давомини ёзаяпман, энди қаҳрамони Амир Темур ҳазрат бўладилар.

— Нега! Ахир ул зот сарбадор эмаслар!

— Негадир назаримда ҳақ иши, халқ иши учун яшаган, курашган барча улуғлар сарбадор бўлиб туюлади. Чунки эзгуликка жондан кечиб эришилади. Шу жиҳатдан қараганда Амир Темур соҳибқирон ҳам сарбадор!

— Сизга хайрли, улкан ишингизда улуғлар руҳи мададкор бўлсин, Муҳаммаджон ака, бугунги суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

МУҲИМ МАВЗУДА

ШАЙХОНТОҲУР район хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан «Илғор» маҳалласида «Келажагимиз — ёшлар қўлида» деб номланган мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Шоира Аҳмадалиева ҳозирги шароитда оила мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлашда кексаларнинг роли ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўрилган масала юзасидан Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитети раисининг ўринбосари Муборак Юнусхўжаева, «Илғор» маҳалла комитетининг раиси Содиқ Муҳсимов ва бошқалар ўзларининг қимматли фикр мулоҳазаларини билдиришди.

Шукур СОБИРОВ.

* Бўш вақтларингизда

Бошқотирма

УШБУ бошқотирма саволларига кўрсатилган йўналиш бўйича жавоб топишга ҳаракат қилинг ҳамда шакли ўртасидаги топшириқни, кўрсаткич турган хонадан бошлаб жавобнинг топилган ҳарфи билан тўлдириб, шаҳримиз тўғрисидаги фильм номини топинг.



1. Жумҳурият радиоси туркум эшиттириши. 2. Ихтисослаштирилган балиқ дўкони. 3. Ўзбек адиби номига қўйилган кўча. 4. Шаҳардаги маҳаллалардан бири. 5. Ўзбек эстрадаси асосчиси. 6. Жаҳон Обидова номли тамаки фабрикаси маҳсулоти. 7. Улуғ китоб. 8. Вали Ғафуровнинг «Вафодор» романи қаҳрамони. 9. Иссиқ кун. 10. Бароқхон мадрасаси жойлашган майдон. 11. Телеминиатюра устаси. 12. Ижара усули. 13. Она замин. 14. Қуш тури. 15. Қуёш. 16. Шайхонтоҳурдаги маҳалла. 17. Шаҳримизнинг Юнусобод районидаги кўча. 18. Ҳамза театри спектакли. 19. Лирик қўшиқлар ижрочиси. 20. Елланган ҳунарманд маҳсулоти. 21. Пушкин номли боғнинг аввалги атамаси. 22. Моҳирлик.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 30. XI

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборотн.
7.25 «Қуёнок сайр». Фильм-концерт.
8.00 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1—2-серия.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой»га хат келди».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Қизил Яримой шуъласи».
19.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номли Узбек драма театрининг спектакли.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Дала ҳовли эгаларн учун».
20.25 «Утмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Билиб қўйган яхши».
21.20 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.35 «Лаҳза». Хабарлар.
21.45 «Мени ўлди десалар ишонма». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
5.55, — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кўринг, тингланг...».
9.40 «Марианнани қўмсаб». Телефильм.
10.30 «Геонлар оҳиби». Мультфильм.
10.45 Узбекистон тароналари ва оҳанглари.
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Брэйн ринг».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Кидди-Виддн».
17.20 «Олис, олисда, Чад кўли ортида». Ҳужжатли фильм.
17.30 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Технодром».
18.35 «Иқболи кулганда».
19.15 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Яшаш ҳуқуқи».
19.45 «Ҳочни бекор қилиш». Телефильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 9-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бироқ».
22.20 «Таржимаи ҳол».
22.35 «Вазият».
23.00 «Қиғир-қийшиқ эфир».
23.15 «Қаранг-чи, ким кетди!».
23.50 «Ошоралик хонаси».
00.35 «Мегамикс».
00.55 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 6-фильм — «Сўнгги империя»
9.40 Параллеллар. «Фермерлик ҳаракати». Шу куннинг муаммолари.
9.55 «Бола тилидан».
10.25 «XX аср кадрда ва кадр ортида».
11.25 Кундузги сеанс. «Қотиллик вақти». Бадиий фильм (АҚШ).
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.50 «Кузирхоним».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Трансросэфир. «Кавказ-ревю».
17.20 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.35 «Репортёр».
17.45 Криминал хабарлар эфирн.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Душанба куни детектив. «Кунарача». Бадиий фильм.
*
19.50—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 1. XII

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборотн.
7.25 «Қўқон». Телефильм.
7.45 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
9.20 Узбек тилини ўрганамиз.
9.50 А. П. Чехов. «Илтимос». Теленовелла.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 3-серия.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Тановар» миллий рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли.
20.00 Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни.
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Камер оркестрининг концерти.
19.10 «Устахона».
19.55 «Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
5.55, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси (Франция). 1-серия.
10.20 Футбол шарҳи.
10.50 «Қизил гул». Мультфильм.
11.30 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал. 9-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.25 «Телеграмма». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Рус мусиқаси саҳифалари.
16.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Шумак маниалари». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия (Франция).
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Тавакка гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси ҳамда «Овросиё» ушмаси «Союзтелефильм» бюртмасига биноан суратга олган).
22.30 «Жамоатчилик фикри».
23.30 «Ҳарбий ревю».
24.00 Янгиликлар.
00.40 А.Скрябин. 3-симфония — «Илоҳий поэма».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Оқ қарға».
10.05 Кундузги сеанс. «Тор кўча». Бадиий фильм.
11.30 «ТИНКО» Савдо уйи.
11.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.55 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезднинг очилиши.
* * *
15.45 «Телебиржа».
16.15 «Рост» студияси. «Сеҳрли чироқ ёнида».
16.45 Янгиликлар.
17.00 Трансросэфир. «Ҳамжиҳатлиини танлаймиз».
17.45 «Ихтилоф бўлмайди».
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Могиканлар». Лев Додин.
23.10 «Хушмуомала бўлайлик» Режиссёр Николай Анимов.

Чоршанба, 2. XII

2 ДЕКАБРЬ

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборотн.
7.25 «Донра оҳанглари». Фильм-концерт.
7.55 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
9.30 Турк тили.
10.00 «У «Гия»ни севарди». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Кимёвий реакциянинг тезлиги. Катализ.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Деҳқон хўтикча». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Саноатимиз одимлари».
19.40 «Кино, кино, кино».
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Спринт.
19.40 «Эфирда бевосита мулоқот».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «02» тўлқинида».
21.55 «Нур ва соя». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.00 «Ақлли кучукча Соня», «Комар Комарович ҳақида эртак», «Типратикан қандай қилиб терисини ўзгартирди!». Мультфильмлар.
11.30 «Россиядан мактублар». Телефильм премьераси (Вятка).
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 «Кўзингни юмгин». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (Хитой).
13.55 «Аёлларни асранг». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ҳудуд».
19.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.05 Театр учрашувлари.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Тавакка гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.30 «Қора қути».
23.00 «М. Магомаев ҳузурида меҳмонда».
23.45 «Итоаткор шогирд». Каттлар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Талаб қилинган кино».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Эълонлар.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Йўлнинг 20 йили». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Параллеллар».
11.00 «Хушмуомала бўлайлик» Режиссёр Николай Анимов.
11.30 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.45 Кундузги сеанс. «Профессор Доузль васияти». Бадиий фильм.
13.20 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.35 Бизнес: янги номлар.
15.50 «Биринчи тайм».
16.05 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.25 Янгиликлар.
16.40 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.25 Христианлар учун кўрсатув.
17.55 Эълонлар.
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Сатирикон» студияси.
22.55 Спорт кўрсатуви.
23.00 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезднинг иши ҳақида ҳисобот.

Пайшанба, 3. XII

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборотн.
7.25 «Ортиқ Отажонов куйлайди». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
9.05 Араб тили.
9.35 Болалар учун. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ғафур Ғулом ҳиссалари.
11.00 «Зоолог ингоҳи билан», «Есенсой соҳилидаги саҳроларда». Телефильмлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Узбекистон халқлари тарихи.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-сериялар.
18.30 «Жамоат ташкилотларида».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Регистонним». Телефильм.
19.30 «Илҳом». Фарғона вилояти ижодкор ёшлари ҳақида.
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Барҳаёт наволар». Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Муқаддима». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик.
19.40 «Шарқ лирикаси». Жомий.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
10.25 Г. Беседина куйлайди.
10.40 Мультфильмлар: «Ўйинчоқлар сири», «Рангли сут».
11.00 «Истеъдодлар ва мухлислар».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.25 «Кулол дастгоҳи». Телевизион бадиий фильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 А. Шнитке. Қадимий услубда ёзилган сюита. «Виртуози Москви» камер-оркестри ижро этади.
17.20 «Меҳр-шафқат ҳуқуқи». Ногиронлар Халқаро куни га.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.05 Букер адабий мукофоти Россияда.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Тавакка гуруҳи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.30 А. Эйзен қадимий рус романсларини куйлайди.
22.50 «Максима».
23.15 И. Брамс. 3-симфония.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Труба» радиоси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 7-фильм — «Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти».
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Оила даврасида».
10.00 «К-2» таништиради: «Абзац».
10.30 «Жентльмен-шоу».
11.00 «Нота бене» студияси. «Кутиш зали».
11.55 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 106 ва 107-сериялар.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.30 «Ноу-хау».
16.00 «Рост» студияси. «Айболит-92». 1-қисм.
16.30 Янгиликлар.
16.45 Трансросэфир. «Европа—Осиё».
17.30 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.
*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 Санкт-Петербург балети. А. Дворжак. «Сўлгин барглар».
23.20 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезднинг иши ҳақида ҳисобот.
00.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Жума, 4. XII

● УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахборотн.
7.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
7.55 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.25 «Арвона—туркманчасига тия». Телефильм.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильмлар. 3—4-сериялар.
18.35 Болалар учун. «Ёрилтош».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Яхшидан боғ қолади».
19.40 «Мерос». Мақом тарихидан.
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ижод саҳифалари». Ҳабиб Саъдулла.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.05 Мультфильм.
18.15 «Байкам, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» телеканалининг давоми.
19.50 «Конституция — жашоо мийзами».
20.50 «Токмак сталинити».
21.20 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»
5.55 Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 Тула Давлат хорининг концерти.
10.20 Мультфильмлар; «Репетиция», «Ажойиб дори».
10.40 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Дугонажоним менинг». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Норозилик билдириб...». Телевизион бадиий фильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Ф. Ваксман. Скрипка ва фортепиано учун ёзилган фантазия.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Америка М. Таратута билан».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Монсо водийси мурдалари». Бадиий фильм премьераси. «Хусусий детектив Нестор Бурманнинг саргузаштлари» сериалидан (Франция).
22.55 И. Гайди. Труба ва оркестр учун концерт.
«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.15 «Юлдузли бмгир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 «Ишбилармон кишилар даври».
8.55 XX аср кадрда ва кадр ортида. «XX аср». Ҳужжатли фильм.
9.55 «Тилла шпора».
10.25 Россия қобусномаси. «Антон Чеховнинг ёзги таътиллари».
11.25 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 108-серия.
12.15 «Ишдан бўш пайтингизда».
12.30 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.
13.00 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.25 «Телебиржа».
15.55 «Рост» студияси. «Айболит-92». 2-қисм.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Мен барибир ишонаман...».
17.10 «М-трест».
17.25 «Чашмалар».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Жума кунлари Уолт Дисней. «Чипс—ҳарбийлар ити» Бадиий фильм. 1-серия.
*
19.20—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «К-2» кинозали. «Бир бор ёлғон сўзлаб». Бадиий фильм.
*
24.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 5. XII

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
9.25 «Узбекистон спорти».
10.25 А. Н. Островский. «Ҳар тўқисда бир айб». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.25 «Оналар мактаби».
12.55 «Кино санъати усталари». Суймонқул Чокмаров.
14.00 «Тадбиркорлар ҳузурида».
14.25 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
14.55 Тижорат канали: «Лаҳор» қўшма корхонаси.
* * *
18.00 «Бўзсувнинг кузги жилолари». Телефильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Мультипанорама».
20.00 «Рақслар гулдастаси».
20.30 «Туркистон» ахборотн.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Манчжурия услуби». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
7.00—14.00
* * *
17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»
6.40, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» —кичкинтойларга».
9.25 «Бумеранг».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Тиббиёт сиз учун».
11.05 «Технодром».
11.15 «Китобхона».
11.55 «Иш».
12.25 «Сиздан илтимос, жаноб Юдин...». Телефильм премьераси.
13.10 Мини футбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Гонконгдан кўрсатилади.
13.20 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 3-кўрсатув.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Марказий экспресс».
16.00 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
16.20 «Ҳайвонот оламида».
17.00 «АБВГД ЛТД» телесериали. 7-серия.
17.30 «Қизил квадрат».
18.10 «Бахтли тасодиф».
19.00 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Плюмбум ёки хавфли ўйин».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта сайил».
22.20 «Шанба—шанбада». Композитор О. Квашанинг ижодий кечаси.
23.30 Каттлар учун мультфильмлар.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Парадиз-коктейль».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Михалич». В. М. Бобров таваллудининг 70 йиллигига.
9.30 «03» кўрсатуви.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Ташвишли давр хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.
*
12.40—16.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
*
16.30 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 13-серия.
16.45 Чегарасиз футбол.
17.40 Мульти-пульти.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
*
18.20—20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.25 «Шляпали аёл». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
*
22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба, 6. XII

● УзТВ I

7.00 «Муқимий лирикаси».
7.40 «Улмас мерос». Телефильм.
*
8.00 «Туркистон» ахборотн.
8.30 «Менинг дадам капитан». Бадиий фильм.
9.45 «Ёш полвонлар мактаби».
10.05 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.05 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
11.35 «Заркпов чавандозлари». Цирк томошалари.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.05 «Мурувват».
13.35 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Самарқанд.
14.50 Тижорат канали. «Тонгларинг мусаффо бўлсин».
* * *
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Узбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Улмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Теленовелла.
20.30 «Узбекистон» ахборотн.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси олдидан.
21.40 «Мархабо, талантлар!». Узбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Наманган вилояти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Оспурум»; «Тигиз пайт»; бадиий фильм; мультфильм.
* * *
18.05 Мультфильм.
18.25 Тижорат канали. Телетомошабиларнинг талабларига биноан концерт (қирғиз тилида).
18.55 Каттлар учун мультфильм.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 7-серия (рус тилида).
20.25 В. Шекспир. «Қирол Лир». М. Рисқулов номидаги Норин мусиқий драма театрининг спектакли.

● «ОРБИТА IV»
6.20, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 Қалмиқ Давлат «Ойрати» рақс ансамблининг концерти.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. Бельгиядан кўрсатилади.
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охирги»си. Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
12.00 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли бадиий телефильм премьераси.
12.25 «Хит-топ-шоу 50х50».
«КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.25 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Хунарли хор бўлмас».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Россия тароналари» телерадиотаниловнинг совриндори Надежда Кригина куйлайди.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Қойилмақом еттовлон». Якшанба кинокўрсатувлари
20.00 «Кумуш ярмой». Ашгабат халқаро кинофестивали.
20.15 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Троцкийнинг ўлими». Бадиий фильм (Франция, Италия, Буюк Британия, 1971 й.).
*
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нима! Қерда! Қачон!».
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Хит-топ-шоу 50х50».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 «Таниқланган қўшиқлар». Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
9.30 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.00 «Сиз яратган бог».
10.30 «Қироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм 15-серия.
11.00 «Ати-бати...».
11.30 «Хоҳ ишонинг...».
12.00 «Ташвишли давр хроникаси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар.
13.20 Мульти-пульти.
*
13.40—17.10
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
*
17.10 Стас Намин (Эс-Эн-Сн) маркази таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Голливуд классик фильмлари фестивали.
*
20.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Мерганлар буржи». Ҳужжатли фильм.
23.20 «Одимлар». Кўрсатувни профессор Д. Волкогонов олиб боради.
*
24.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 27 ноябрь сонидан олинди.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона —32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари ўзиқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.20.. ■ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10